

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ ИЖОДҚОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ибрагимова Феруза Холбоевна,

*Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот
институтини докторанти*

Аннотация: мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг ижодкорлик қобилияти, инновация, инновацион технология ва уларнинг турлари, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ижодкорлигини ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари ва шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ижод, ижодкорлик, касбий ижодкорлик, ижодий компетентлик, эвристика, муаммоли таълим, инновация, инновацион технология.

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасини ислоҳ қилишдаги асосий мақсадларидан бири – педагог кадрларни замон талабларига мос тарзда тайёрлаш, ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсларни тарбиялашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28-январ 2022-йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида таълим сифатини ошириш бўйича бир неча вазифалар [1] белгилаб берилди.

“Ҳар қандай мураккаб замонавий ахборот технологиялар, интеграциялар, фан соҳасидаги оламшумул янгиликлар, аввало, ўқитувчи томонидан ўзлаштирилиб, сўнгра унинг билими, савияси, қобилияти эвазига ўқувчилар онги ва тафаккурига етказилади”[2]. Бўлажак ўқитувчиларни ижодкорлик фаолиятига ўргатиш, уларда ижодий компетентликни шакллантириш ҳамда уларнинг бу борадаги тушунча ва тасаввурини янада ўстириш, такомиллаштириш имкониятлари бугунги кунда мавжуд.

Таълим соҳасидаги бу ислохотлар ўз-ўзидан “ижодкорлик” тушунчасини олиб кирди. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, ҳар қандай тараққий этган мамлакатнинг мувафаққиятини белгилаб берувчи

омил кадрларнинг ижодкорлик компетенцияларнинг ривожланганлиги билан узвий боғлиқ.

“Ижодкорлик” терминининг ўзи илк бор XVII асрда санъат соҳасида инсон фаолиятини белгилаш мақсадида қўлланилган. Сўнгги пайтларда “ижодкорлик” тушунчаси билан биргаликда “креативлик” атамаси ҳам кенг қўлланилмоқда. Узоқ вақтлар давомида ижод – инсонга табиат инъом этган ноёб қобилият, у ҳар кимга ҳам берилмайди, деб ҳисоблаб келинган. Аслида ижод инсоннинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш фаолияти бўлиб, унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати ва иродаси фаол иштирок этади ҳамда унда бутун билими, тажрибаси ва истеъдоди намоён бўлади”. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ижод – яратиш, кашф этиш; вужудга келтириш маъноларини англатиб, бадий, илмий, санъатга оид асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш; яратувчилик фаолияти ҳамда яратувчилик фаолияти маҳсули, самараси эканлиги қайд этиб ўтилган[3].

Психолог олим Н.Д.Левитов [4] ижодий фаолиятни қуйидаги мезонлар асосида вужудга келишини исботлади:

- тафаккурнинг мустақиллиги
- ўқув материалининг ўзлаштирилиши, тезлиги ва мустаҳкамлиги;
- стандарт бўлмаган вазифаларни ҳал қилишда, ақлий чамалашнинг (топқирликнинг) тезлиги;
- ўрганиб чиқилаётган ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш орқали муҳим бўлмаган нарсдан муҳимини ажрата билиш.

Бўлажак ўқитувчилар касбий ижодкорлигини шакллантириш шарт-шароитлари деганда, аввало ана шу шарт-шароитларнинг пайдо бўлиши, амалга ошиши ҳамда ривожланиши жараёни тушинилади. Улар қуйидагилардан иборат :

- Талабаларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришда уларнинг бу борада эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалари.

- Ижодий фаолиятни шакллантиришда назарий билимлар билан амалиётнинг алоқадорлиги.
- Ижодий фаолиятни шакллантиришга доир машғулотлар эвристика муаммоли вазиятлар яратиш.
- Талабаларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришга технологик ёндашув.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ижодкорлигини шакллантиришда улар эгаллаши лозим бўлган билим, малака, кўникмаларга қуйидаги талаблар қўйилади.

- ✓ дастур материалларни қай даражада ўзлаштирганлиги ;
- ✓ мавзуларга доир асосий тушунча ва қоидаларни ўзлаштирганлиги;
- ✓ танлаган мавзу бўйича топшириқларни мустақил бажара олиши ;
- ✓ ўрганилаётган мавзулардаги асосий муаммоларни англаб олиши ;
- ✓ топшириқларни бажаришда ўқув ашёлари ва техника воситалар, ахборот технологиясидан фойдалана олиши ;
- ✓ ўз қобилиятини намоён этиши ва уни ривожлантира олиши ;
- ✓ мавзу бўйича ўз олдига эришиладиган мақсадларни қўя олиши, режалар тузиши ва натижаларни баҳолай олиши ;
- ✓ мавзуларни ўрганишда ўз фикрини далиллай олиши;
- ✓ ўз вариантини тавсия эта олиши ва ҳоказолар.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ижодкорлигини ривожлантиришда бугунги кунда инноватсион технологиялардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Инновация – бу бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгиликдир. Инсон интеллектуал фаолияти, унинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний натижаси ҳисобланади.

Инновацион фаолиятни энг муҳим масалаларидан бири – бўлажак ўқитувчи: у новатор, сермаҳсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиши,

ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлиши лозим. Инновацион фаолият мотивацион, технологиклик ва рефлексиялик қисмлардан ташкил топади. Бўлажак ўқитувчиларни бу фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилади: янгиликни идрок қилишга инновацион таёргарликни шакллантириш ва янгича ҳаракат қилишга ўргатиш. Инновацион фаолиятни ташкил этишда болаларнинг билиш фаолияти ва уни бошқаришга эришиш. Инновация жараёнлари, функциялари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари ва бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш ўқув жараёнини замонавий педагогика ва психология фанлари ютуқлари асосида ташкил этиш имконини беради. Бунда бўлажак ўқитувчининг инновацион технологияларнинг турларидан ўз ўрнида самарали фойдаланиши ўқувчи шахсини шакллантириш омили бўлади.

Инновацион технология турлари:

- бола шахсига йўналтирилган таълим;
- ривожлантирувчи таълим технологияси;
- ўйин таълим технологияси;
- лойиҳавий таълим технологияси;
- муаммоли таълим технологияси;
- ахборот ва алоқа воситаларидан фойдаланиш[5].

Ҳозирги даврда бирор- бир ҳақиқатни мустақил излаш ва кашф этиши билан боғлиқ бўлган эвристик ва муаммоли таълим ўқув-билув жараёнига фаол кириб келмоқда.

Эвристика (юнонча — излайман, топаман) деган маънони англатади. Эвристик фаолиятни технологиялаштириш талабаларнинг ижодий компетенцияси қандай бўлса шу қадар зарурий ва қонуний жараёндир. Ягона ўқув машғулоти, ўқув курси бўйича тизимли машғулотлар, эвристик йўналтирилган фаолият асосида содир бўлади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, мазкур талаблар бўлажак ўқитувчига ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари, уларнинг ўқув-

билув фаолияти, индивидуал мойилликларини билиш имконияти пайдо бўлади ва бу борада ўқув жараёни тузилмасини белгилаб олишга ёрдам беради.

Изланишли таълимий вазиятларнинг асосий технологик элементлари: мотивация, муаммолар қўйиш, вазият иштирокчилари томонидан муаммони эчиш, таълимий натижаларни намоён этиш, уларни бир-бирлари билан қиёслашдан ва бу асосида касбий ижодкорликни ривожлантиришдан иборат. Бўлажак ўқитувчининг инновацион технологияларнинг турларидан ўз ўрнида самарали фойдаланиши нафақат уларнинг касбий ижодкорликни ривожлантиришга балки улар таълим-тарбия берадиган ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини шаклланишига ва шахс сифатида камол топишига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: [http https://lex.uz/docs/-5841063](http://lex.uz/docs/-5841063)
2. Холиқов А.А. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантириш. - Тошкент, 2015 й. 9-б.
3. "Ўзбекистон Миллий энтсиклопедияси" давлат илмий нашриёти. - Тошкент: 2001-2006 й. 176 б
4. Левитов Н.Д. Субъект. Объект. Познание.-М. : Знание, 1999.-23
5. Ишмухамедов Р, Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.